

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАҲСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛЬ-ЙЎЛЛАР ИНСТИТУТ
«КАСБИЙ ТАЪЛИМ» ФАКУЛЬТЕТИ
«ФАЛСАФА» КАФЕДРАСИ**

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг
“Юксак маънавият – енгилмас куч” номли асари бўйича тайёрланган
электрон DVD диски мазмунини ўрганиш бўйича
услубий қўлланма**

Тошкент-2010 й

Ушбу усулбуй қўлланма “Фалсафа” кафедрасининг 2010-йил 23-августдаги №1 баённома мажлисида муҳокама қилинган ва мақулланган.

Кафедра мудир:

ф.ф.н.доц.Д.Расилов

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Юксак маънавият – енгилмас куч” номли асари бўйича тайёрланган электрон DVD диски мазмунини ўрганиш бўйича услубий қўлланма “Касбий таълим” факультети илмий кенгиши 2010 йил 30 августдаги №1 сонли баённомасида муҳокама қилинган ва чоп этишга тавсия қилинган.

Факультет Кенгаши раиси:

ф.ф.н.доц. Ш.Мисиров

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Юксак маънавият – енгилмас куч” номли асари бўйича тайёрланган электрон DVD диски мазмунини ўрганиш бўйича услубий қўлланма институт илмий услубий кенгашининг 2010 йил _____ №_____ баённомасида маъқулланган ва чоп этишга рухсат берилган.

ТАИЙ илмий услубий

Кенгаш ҳайъати раиси:

проф.А.Абдурахмонов

Тузувчи:

ф.ф.н.доц.Д.Расилов

Такризчи:

т.ф.н.доц.Н.Журабоев

Тошкент- 2010 й

Кириш

Муҳтарам ўқувчи, Президентимиз Ислам Каримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” китоби асосида яратилган DVD дискда одамзот учун ҳамма замонларда ҳам янги буюк бойлик бўлиб келган маънавиятнинг маъно-мазмунини, унинг инсон ва жамият ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти, бу мураккаб ва серқирра тушунчанинг назарий ва амалий томонлари ҳар томонлама кенг қамровли фикр ва хулосалар орқали таҳлил этилади. Айни пайтда истиқлол йилларида юртимизда миллий маънавиятимизнинг тиклаш, уни замон талаблари асосида ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган улкан ишлар, бу борада олдимизда турган мақсад ва вазифалар ҳақида атрофлича фикр юритилади. Бугунги мураккаб глобаллашув даврида маънавият соҳасида вужудга келаётган долзарб муаммолар, халқимиз маънавиятини асраш ва юксалтириш, айниқса ёш авлоднинг қалби ва онгини турли зарарли ғоя ва мафкуралар таъсирида сақлаш ва химоя қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Ушбу қўлланма Сизга асарнинг мазмун-моҳиятини чуқур англашга ёрдам беради деган умиддамиз.

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг
“Юксак маънавият – енгилмас куч” номли асари бўйича тайёрланган
электрон DVD диски мазмунини ёритиш
у с л у б л а р и**

№	DVDнинг бўлимларга бўлиниши	Мазмуни
1	Асарнинг муқаддимаси DVD дискида 1 – 6 бўлимларда берилиб, асарнинг 3 – 17 бетларини ўз ичига олади.	Муқаддимада Республикамиз фуқороларининг ўз танлаган йўллари асосида янги жамият қуришга кирганлиги, озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаётга замин яратиш фаолияти билан бандлигимиз тўғрисида сўз боради. Халқимизни ҳеч қайси миллатдан кам эмаслиги, ўз тарихимизни чуқур билишимиз, собиқ тоталитар тузум пайтида бошимиздан кечирган ҳаётимиз, бу тўғрисида И.Каримовнинг 1994 йил 22 сентябрда парламент минбаридан туриб сўзлаган нутқи, алломаларимиз тўғрисидаги фикрлари, миллатимизнинг ғурури, бойликлари, бошқа миллат вакилларига ўхшамаган турмуш тарзи, мутафаккир зотларнинг бебаҳо мероси тўғрисида сўз боради. Бу бўлимларда миллат, жамиятни ўзига тобе қилишда ғанимларнинг иш услублари ёритилади. Муқаддимада мафқуравий ҳуружлар тўғрисида ҳам фикрлар жуда содда ва лўнда қилиб берилган. Бу масалада ота – оналар, мураббий – устозларга катта ишонч билдирилади.
2	1 – боб 7 – 25 бўлимлардан иборат: 7 – бўлим, ўз ичига	Бу бўлимда “маънавият” тушунчасига изоҳлар берилади ва унинг таърифи келтирилади: Маънавият – инсонни руҳан покланиш,

	асарнинг биринчи бобидан бошлаб, маънавиятни англаш мавзусини очиш билан бошланади. 18 – 21 бетлар.	қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон-эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган беқиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир.
3	8 – бўлим 21 – 24 бетларни ўз ичига олади.	Бу бўлимда топилаётган бойлик нима эвазига эканлиги, яъни халол меҳнат ва ғирром йўллар асосида бўлиши мумкинлиги тўғрисида мисоллар асосида аниқ маълумотлар берилади. Халқимизнинг нопок одамларга муносабати шарҳланади.
4	9 – бўлим 24 – 27 бетларда ёритилган.	Бўлимда ғараз ва хасад билан яшаётганларга нисбатан халқимизнинг муносабати, халқимизнинг 150 йиллик қора кунлари, тили ва динини поймол қилинганлиги, Япония ва Жанубий Корея миллий маънавияти тўғрисидаги фикрлар ёритилган.
5	10 – бўлим ўз ичига 27 – 30 бетларни олади.	10 – бўлимда маънавиятни тушуниш, англаш учун аввало инсонни тушуниш, англаш керак деган хулоса берилади. Бу бўлимда маънавиятни шакллантирадиган асосий мезонлар: маънавий мерос, маданий бойликлар, кўхна тарихий ёдгорликлар ўз тасдиғини топган.

6	11 – бўлим 30 – 32 бетларда шаклланган.	Бўлимда мамлакатимизда мавжуд 4 мингдан ортиқ моддий – маънавий обидаларни ЮНЕСКО рўйхатиغا киритилганлиги, “Авесто” тўғрисида сўз боради. Унинг мукаддаслиги, халқимиз маданияти бир неча минг йиллик тарихга эга эканлиги эътироф этилади.
7	12 – бўлим 32 – 35 бетларда ёритилган	12 – бўлимда халқ оғзаки ижодининг ноёб дурдонаси бўлмиш “Алпомиш” достони тарихи тўғрисида сўз юритилади. Унинг советлар даврида тақиқланганлиги баён қилинади.
8	13 – бўлим асарнинг 35 – 38 бетларида ёритилган.	Бу бўлимда И.Каримов ислом дини тўғрисида, унинг поклиги, таълим – тарбиядаги роли тўғрисида сўз юритади. Тошкент шаҳрининг 2007 йилда Ислом конференцияси ташкилотининг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича тузилмаси – АЙСЕСКО томонидан ислом маданияти пойтахти деб эълон қилиниши таъкидланади. Бу билан биз динимизнинг юртимиздаги эъзозини кўришимиз мумкин.
9	14 – бўлим 38 – 40 бетларда баён қилинган.	14 – бўлимда Имом Ал-Бухорий, Абу Исо Муҳаммад ибн Исо Термизий, Имом Мотуридий, Бурҳониддин Марғиноний, Абдухолик Ғиждувоний, Баҳоуддин Нақшбандларга шарҳ берилиб, уларнинг буюк ишлари эътироф этилади.
10	15 – бўлим	Бу бўлимда буюк алломаларимизнинг бемисл

	40 – 43 бетларда ўз аксини топган.	илмий – ижодий кашфиётлари, хусусан, Мухаммад Мусо Хоразмийнинг ўнлик санок системаси, алгоритм ва алгебра тушунчаларини фанга, ҳаётга тадбиқ этилиши, Аҳмад Фарғонийнинг “астрономия асослари ҳақида китоби”, уни европада Аль – Фраганус деган ном билан машҳурлиги, кашф қилинган юлдузларни Аҳмад Фарғоний ва Улуғбек номлари билан аталиши, Абу Райҳон Беруний ва Ибн Синонинг фандаги жасоратлари кенг ёритилган.
11	16 – бўлим 43 – 46 бетларда берилади.	Бу бўлимда Хоразмлик Маҳмуд Замахшарийнинг Арабистонга бориб, араб грамматикаси ва фонетикасини мукамал ишлаб чиққанлиги тўғрисида сўз боради. Бу бўлимда яна соҳибқирон Амир Темур тўғрисида алоҳида илмий фикрлар берилган. Бундан ташқари Мирзо Улуғбек тўғрисида ҳам шарҳлар мавжуд.
12	17 – бўлим асарнинг 46 – 49 бетларида баён қилинади.	17 – бўлимда Улуғбек тўғрисидаги фикр давом этказилиб, ЮНЕСКО нинг 1996 йиллардаги Бош котиби билан И.Каримов ўртасида бўлиб ўтган суҳбатдан иқбос келтирилади. Бу бўлимда авлиёларнинг авлиёси, мутафаккирларнинг мутафаккири, шоирларнинг султони Алишер Навоий тўғрисида фикрлар кенг ёритилган. Бельгияда Ибн Синога, Литвада Мирзо Улуғбекка, Москва, Токио ва Бакуда Алишер

		Навоийга, Қоҳирада Аҳмад Фарғоний хотирасига ўрнатилган хайкаллар тўғрисидаги сўзлар ўз аксини топган.
13	18 – бўлим ўз ичига 49 – 51 бетларни олади.	Бу бўлимда жадид маърифатпарварлари, уларнинг ворислари Қори Ниёзий, Т.Саримсоқов, Х.Абдуллаев, С.Сирожиддинов... ва бошқалар тўғрисида илиқ сўзлар айтилган.
14	19 – бўлим 51 – 54 бетларда баён қилинган.	Бу бўлимда Чоризм асоратлари, маънавиятни юксалтиришда оиланинг ўрни тўғрисида сўз боради.
15	20 – бўлим 54 – 57 бетларда ўз аксини топган.	Оила тўғрисидаги фикрлар давом этказилиб, бу бўлимда Абдулла Қодирийнинг “Ўтган кунлар” романидаги оила муомаласи намуна қилиб берилади. Фарзанд ва унинг тарбиясига масъул ота–она роли бекиёслиги алоҳида таъкидланади.
16	21 – бўлим 57 – 59 бетларда берилади.	Бу бўлимда Конституцияда берилган оила кодекси, фуқоролик ва уй – жой кодекслари тўғрисида тушунчалар берилади. Бу бўлимда ёшлар тарбиясида маҳалланинг алоҳида ўрни тўғрисида кенг қамровли фикрлар баён қилинади.
17	22 – бўлим 59 – 62 бетларни ўз ичига олади.	Бу бўлимда таълим – тарбияда маҳалла роли тўғрисидаги фикрлар давом этказилиб, таълим – тарбия тизими тўғрисидаги фикрлар баён қилинган. Таълимни тарбиядан, тарбияни эса таълимдан ажратиб бўлмайди. Бу жамият

		конунияти бўлиб қолган.
18	23 – бўлим 62 – 65 бетларда баён қилинган	Бу бўлимда таълимдаги қатор янгиликлар, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, 2004 – 2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий давлат дастурлари тўғрисида фикрлар баён қилинади.
19	24 – бўлим 65 – 68 бетларда ўз аксини топади.	Бу бўлимда антик давр файласуфлари, қадимги хинд, хитой ва юнон файласуфлари тўғрисида фикрлар берилади. Бугунги кунда ҳам фалсафий мушоҳада қилиш ўз қийматини йўқотмаган. Халқимиз азалдан мушоҳадали халқ эканлиги эътироф этилади.
20	25 – бўлим 68 – 70 бетларда берилади.	Бу бўлимда 1- бобга хулосалар берилиб, бозор иқтисодиёти шароитида юксак маънавиятни роли беқиёслигига алоҳида урғу берилади.

№	DVDнинг бўлимларга бўлиниши	Мазмуни
1	2 – 3 боблар жами 20 бўлимдан иборат. 2 – боб. 1 – бўлим 71 – 73 бетларда баён қилинган.	Бу бўлимда миллий ғояга таъриф берилади: Миллий ғоя деганда, аجدодлардан авлодларга ўтиб, асрлар давомида эъозланиб келинаётган, шу юртда яшаётган ҳар бир инсон ва бутун халқнинг қалбида чуқур из отиб, унинг маънавий эҳтиёжи ва ҳаёт талабига айланиб кетган, таъбир жоиз бўлса, ҳар қайси миллатнинг энг эзгу орзу – интилиш ва умид – мақсадларини ўзимизга тасаввур қиладиган бўлсак, ўйлайманки, бундай кенг маъноли тушунчанинг мазмун – моҳиятини ифода қилган бўламиз. (И.Каримов)
2	2 – бўлим 73 – 76 бетларда ўз аксини топган.	Бу бўлимда Ватан равнақи ва фаравонлик масаласи баён қилинади. Миллий ғоянинг узвий таркибий қисмини ташкил қиладиган комил инсон, ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенглик каби тамойилларга кенг ўрин берилади. Миллий ғоя – мамлакатимизда яшаётган барча фуқаролар учун мансубдир. Ўзбекистоннинг битта йўли бор: мустақилликни мустаҳкамлаб, мамлакатимизни ҳар томонлама юксалтириб, ёруғ ва эркин ҳаёт сари олға юриш.
3	3 – бўлим 76 – 79 бетларда Ўз тасдиғини топган.	Бу бўлимда маънавият ва жамиятнинг янгиланиши баён қилинган. 1990 йилнинг 24 март куни Республика Олий Кенгашининг биринчи сессиясида президентлик бошқаруви жорий этилди. Бу юксак лавозим ўшанда СССР ҳудудидаги республикалар ичида биринчи бўлиб, Ўзбекистонда жорий қилинган эди.
4	4 – бўлим 79 – 82 бетларда баён қилинган.	Бу бўлимда барча режаларимизда маданият, маърифат, жисмоний тарбия ва спорт биринчи даражали вазифа ҳисобланиши алоҳида таъкидланган. Ўқитувчилар, шифокорлар, маданий – оқартув ва бошқа соҳалардаги кўплаб мутахассисларга чинакам зиёли деб таъриф берилган. Олим ва ижодкорларга эътиборни кучайтириш қайд этилган. Истеъдодли ёшларга имкон яратиш шу бўлимда ўз аксини топган. Ёшлар миллатимиз

		ва жамиятимиз келажаги деб эътироф этилган.
5	5 – бўлим 82 – 84 бетларда баён қилинган.	Бу бўлимда она тилимиз тўғрисида сўз боради. 1989 йилнинг 19 октябрь куни бу ўта муҳим масала Олий Кенгаш сессияси муҳокамасига қўйилди. Ва қарайиб бир ярим асрлик қарамликдан сўнг мамлакатимизда ўзбек тили Давлат тили деб эълон қилинди. Араб, лотин, кирилл имлоларининг моҳияти тўғрисида сўз боради.
6	6 – бўлим 84 – 87 бетларда ўз аксини топган.	Бу бўлимда ўзбек тилини Давлат тили мақомини олганлиги тўғрисидаги фикрлар давом этказилади. Ўзбек тили мустақил давлатимизнинг байроғи, герби, мадҳияси, Конституцияси каторида турадиган, қонун йўли билан ҳимоя қилинадиган муқаддас тимсолларидан бирига айланди.
7	7 – бўлим 87 – 90 бетларда очиқ берилган.	7 – бўлимда 1929 йилда маърифатпарвар зиёлилар томонидан лотин ёзуви асосидаги ўзбек алифбоси ишлаб чиқилиб, жорий этилганлиги тўғрисида сўз боради. Лекин бу ҳолат СССР нинг мафкурасига тўғри келмаганлиги туфайли, бу алифбонинг куни қисқа бўлган эди. Сабаби, ҳамма кирилл алифбосида ёзиши, ўқиши лозим эди.
8	8 – бўлим 90 – 93 бетларда берилади.	Бу бўлим Ватан туйғусига аталган бўлиб, кўча ва шаҳарлар номига танқидий ёндашилади. Масалан: Ленин, Карл Маркс, Энгельс, Киров, Лопатин ва бошқалар номи билан аталган кўчалар. Ушбу номлари зикр этилган шахслар умуман Республикамизда бўлишмаган, миллатимиз тақдири учун бу шахслар умуман бир жўяли иш қилишмаган. Бу кўчалар, даҳалар халқимиз ёдида бўлган, эски номлари билан аталиши лозимлиги тўғрисида аниқ фикрлар ўртага ташланади.
9	9 – бўлим 93 – 96 бетларда баён қилинган.	Бу бўлимда маънавиятимизнинг асосларидан бири бўлган динга муносабат ва унинг оқибатлари тўғрисида гап боради. Фарзандларга ҳам дунёвий ҳам диний билимларни беришимиз зарур. Хадисда ҳам айтилган: “Бу дунёни деб у дунёни, охиратни деб бу дунёни унутманг” . Бу каби

		тушунчаларни кенг қамровли қилиб ёшларга сингдириш лозим.
10	10 – бўлим 96 – 98 бетлар	Бу бўлимда тарих ва ҳаёт тажрибасида тарихий хотиранинг роли ва аҳамиятига катта урғу берилган. Тарихни бот-бот эслаб, ундан ижобий мадад олиш зарур.
11	11 – бўлим 99 – 101 бетлар	1937 – 1953 йилларда содир этилган сиёсий қатағонликни халқимиз бошига солган кулфатлари тўғрисида тўхталиб ўтилган. Миллатимизнинг буюк фарзандларининг аянчли ҳаёти биз учун сабоқ бўлиши лозимлиги бўлимда уқтириб ўтилган.
12	12 – бўлим 101 – 104 бетлар	Ислохотлар ва уларнинг маънавий мезонлари билан бошланиб, ўзбек моделини асосий беш тамойилини таҳлил қилиш билан тугалланади.
13	13 – бўлим 104 – 109 бетлар	Мустақилликнинг илк йилларида юртимизга қилинган таҳдидлар, ҳақида гап боради. Бу таҳдидларнинг олдини олишда асосий куч халқимиз иродаси эканлиги таъкидланади.
14	14 – бўлим 109 – 110 бетлар	Бу бўлимда глобаллашув жараёнининг мазмун моҳияти очиб берилади. Бу ҳаётни барча йўналишларида, хусусан маънавият соҳасида ҳам ўз таъсирини бермокда.
15	15 – бўлим 111 – 114 бетлар	Бу бўлимда глобаллашув жараёнининг ҳаётимиздаги акси, ушбу жараённинг ижобий ва салбий томонлари атрофлича очиб берилган.
16	16 – бўлим 114 – 117 бетлар	Бу бўлимда истикболимизни тараққий топган мамлакатлар тажрибасидан фойдаланиб, давлат ва жамият бошқарувини эркинлаштириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини фикрлар ранг – баранглигини ўз ҳаётимизда кенг жорий қилишлигимиз кўрсатиб ўтилган.
17	17 – бўлим 117 – 120 бетлар	Бу бўлим “Оммавий маданият”нинг инсон ҳаётига салбий таъсири ҳақида бошланиб, ёш авлод онгида мураккаб ва таҳликали ҳаёт ҳақида, унинг шавқатсиз ўйинлари тўғрисида бирёқлама ва сохта тасаввур бўлмаслиги кераклиги, замон воқелигига очиқ кўз билан

		реал ва хушёр қараш лозимлиги таъкидланади.
18	18 – бўлим 120 – 122 бетлар	Бу бўлимда олис ва яқин тарихимизда не – не буюк зотлар ҳасад ва бахиллик қурбонлари бўлишганлиги, афсуски инсонлар орасида ҳозирги кунда ҳам худбинлар, тухматчилар, маҳаллийчилар, қариндош – уруғчиликни тарғиб қилувчилар учраб туришлиги, бизнинг асосий мақсадларимиздан бири жамиятимизни бу иллатлардан халос этиш эканлиги кўрсатиб ўтилган.
19	19 – бўлим 122 – 125 бетлар	Бу бўлимда жамият тараққиётига нисбатан бефарқ инсон бўлмаслик ҳақида фикр юритилиб, машхур файласуфлардан бирининг “Душманлардан кўркма – нари борса, улар сени ўлдириши мумкин. Дўстлардан кўркма – нари борса, улар сенга хиёнат қилиши мумкин. Бефарқ одамлардан кўрк – улар сени ўлдирмайди ҳам, сотмайди ҳам, фақат уларнинг жим ва бепарво қараб туриши туфайли ер юзида хиёнат ва қотилликлар содир бўлаверади” деган фикрлари келтириб ўтилади.
20	20 – бўлим 125 – 127 бетлар	Бу бўлимда шахс ва давлат, инсон ва жамият ўртасидаги муносабатлар ҳақида фикрлар юритилиб, демократик принципларга асосланган фуқоролик жамияти қуриш тўғрисида тўхталиб ўтилади.
21	Тўртинчи боб ва хулоса 3 –DVD ўз аксини топган бўлиб, 128 – 170 бетларда мазмунни баён қилинади.	Бу бобда инсон қалбига йўл масаласи кенг ёритилган. Маънавиятни кучли таъсир воситасига айлантириш учун нималарга аҳамият бериш зарур? Бу масала фақат даъват, назарий билимлар билан чекланилмасдан, мунтазам фаол иш олиб боришни тақозо қилади. Шунинг учун таълим – тарбиядан бошлаб, матбуот, телевидение, интернет, театр, кино, адабиёт, мусиқа, рассомлик ва ҳайкалтарошлик санъатигача, инсоннинг тафаккурига таъсир этувчи соҳаларда фаолиятимизни янада кучайтиришимиз лозим. Бу соҳада ишлаётган, лекин кўзга ташланмайдиган фидойи инсонларни қўллаб – қувватлашимиз керак. Ўқитувчи, мураббийлар, ёзувчи ва

	журналистлар, кино ва театр аҳли, мусиқачилар, рассомлар ва бошқаларнинг меҳнатини алоҳида таъкидлаш лозим. Инсон қалбига йўл аввало таълим – тарбиядан бошланади. Бу соҳада мактабнинг роли бекиёсдир. Бу бобда ўқитувчи ва мураббийлар кунини жорий қилинганлигига алоҳида тўхталган. Маҳалла бошқаруви ва унинг янги инсонни шаклланишидаги ўрнига алоҳида урғу берилган. Ўткир таъсир кучига эга телевидение ва радио соҳасини изчил тараққий этиш, жамиятнинг асосий вазифаларидан бири бўлиб қолади. Бу соҳада изчил амалга оширилиши лозим ишлар талайгина. Кейинги соҳа, бу сўз санъати, адабиётдир. Халқимиз адабиётни – инсоншунослик, шоир ва ёзувчиларни – инсон руҳининг муҳандислари деб аташади. Ёзувчи ва драматурглари олдида муҳим вазифа, бугунги қаҳрамонлар образини яратиш масаласи ўз ечимини кутмоқда. Бобда машҳур тарихчи Шарофиддин Али Яздий тўғрисида, мусиқа тарихи тўғрисида ҳам сўз боради. Мумтоз ва эстрада кўшиқчилиги, Муножат Йўлчиеванинг аллақачон устоз мақомини олганлиги алоҳида қайд этилади. Кино санъатидаги камчилик ва ютуқлар ўз тасдиғини топган. Бу бобда “Комсомол кўли” ва унинг кираверишидаги кўриниши тавсиф қилинган. Мустақиллик туфайли Амир Темур сиймосига алоҳида эътибор берилиб, қатор портрет ва хайкаллар яратилди. Бу каби санаът дурдоналарини яратишда машҳур тарихчи Ибн Арабшоҳнинг сурати ва сийратига берган тавсифи асос бўлди. Ўзбекистон халқ рассоми Малик Набиевни Амир Темур портретини яратиш жараёни тавсифи ушбу бобда баён қилинган. 1993 йилда Тошкент шаҳрида ўрнатилган Амир Темур хайкалининг яратилиш жараёни. Бобнинг энг буюк жасорат бўлимида Плотон, Сократ тўғрисида, устоз – шогирд масаласи ҳамда Хоразм Маъмун
--	--

		академиясидаги муҳит, унда фаолият кўрсатган алломаларимиз бирма – бир қайд этилади. Николай Коперник, Жордано Бруно, Галилео Галилейлар жасорати бўлимда ёрқин мисолларда акс эттирилади. Маҳадма Ганди, Нажмиддин Кубро, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темурнинг бунёдкорлик ишлари алоҳида тасвирланади. Замонамиз қаҳрамонлари Яҳё Ғуломов ва Озод Шарофиддиновларнинг жасорати биз учун намуна эканлиги бобда алоҳида қайд этилади. Асар 1991 йил 31 августда қўлга киритилган мустақиллигимиз буюк маънавий жасорат деб юқунланади.
--	--	---

